



БОЛАНИНГ МАҚТАБГА МОСЛАШУВИ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММОЛАР

Абдуқодирова Назира Холикназаровна
Ж.Д.П.И катта ўқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасаларида боланинг таълимга мослашув жараёнида тарбиячи дуч келадиган муммолар ҳақида тўхталиб ўтилган. Таълим жараёнида турли хил метод ва дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг назарий асослари ёритилган.

Калит сўзлар:

Мактабгача таълим, мослашув жараёни, дидактик таълим, психологик тайёргарлик, ривожланиш, психологик таҳлил.

МТМнинг асосий вазифаларидан бири болага тарбия бериб, мактабга тайёрлашдан иборат. Шу боис мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг нафақат жисмоний, балки ақлий ривожланишига ҳам катта эътибор қаратилади. Турли дидактик машғулотларда боланинг идроки, тасаввур ва хотираси, хаёл ҳамда тафаккур олами, иродаси тизимли равишда тараққий этиб боради. Мактабда эса ўқувчига маънавий ва рухий кўмак бериш амалиётчи психолог зиммасидаги вазифа ҳисобланади.

Афсуски, айрим мактабларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда боланинг ривожланиши ва шахс сифатида шаклланишидаги психологик қонуниятлар ва билимларга таянмаслик кузатилмоқда. Шу боис МТМ тарбиячиси, бошланғич синф ўқитувчиси ҳамда амалиётчи психологдан 6,5-7 ёшли болаларнинг психологик жиҳатларини мукамал билиш, ҳамкорликда ишлаш талаб этилади.

“Илтимос, атиги бир кун уйда қолай”□ — дея биринчи синф боласи онасига ялинади. Нега шундай бўлади? Нега бола учун мактабда дарс ўрганишнинг қизиғи йўқ, уй вазифаларини бажариш эса зерикарли туюлади? Қонун бўйича бола мактабга 6-7 ёшда чиқади. Кўпчилик болаларда ўқув йилининг биринчи ойида ўқишга бўлган иштиёқ кучли бўлади. Кейин эса муаммолар бошланиши тез-тез учрайдиган ҳолатдир.

Мутахассислар бунинг сабабини болаларнинг мактабга илм олиш учун психологик тайёр бўлмай чиқишларида деб эътироф этмоқдалар. Улар аввало жисмонан тайёр бўлишлари керак бўлса (дарсларнинг охиригача ўтиришга тоқатлари етиши, дарсларни қолдирмаслик учун саломатликларининг яхши бўлиши), иккинчидан, педогогик томондан тайёр бўлишлари лозим. Лекин бугунги кунда аксар боғчалар ва мактабга тайёрлов муассасаларида болани фақатгина педагогик тайёрлашгагина эътибор қаратилмоқда. Уларга ҳарфлар, рақамлар, ўқиш қодалари, хуллас, биринчи синф программасининг соддалаштирилган кўриниши ўргатилмоқда. Ваҳоланки, биринчи синфга келган бола худди шу нарсаларни мактабда яна ўрганади. Шундай экан, болани мактабга тайёрлаш ўз ичига ҳозирда боғча ва тайёрлов гуруҳларида ўргатилаётганларни эмас, умуман бошқа нарсаларни олиши керак. Хўш, нималарни олиши керак экан? Бу - мактабга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш. Афсуски, мактабга тайёрлашнинг бу тарафи ҳақида ҳамма ҳам ўйламайди. Педагоглар, тарбиячилар, ота-оналар боланинг мактабга мослашуви унинг айнан психологик тайёрлигига боғлиқлигини ё билишмайди,

ё бу ҳақда унутишади. Психологик тайёрлик эса шахсий ва ақлий тайёрликдан иборатдир.

Ақлий тайёрлик зийраклик деб номланувчи ақлий хусусиятнинг маълум миқдордаги ривожига боғлиқ. Агар бола зийрак бўлса, ҳарфларни ҳам, товуш, рақам, санокни ҳам осон ўзлаштиради. Бола бирор фанни ўзлаштиришида ўз эътиборини бир жойга тўплаш олиши керак, демак, мактабда диққат унга жуда керак бўлади. Яхши хотира дарс пайтида бутун материални қийинчиликсиз илғаб олишга ёрдам беради, оқибатда яхши ўзлаштириш учун болага ўтилган мавзунини уйда бирров такрорлаб олишнинг ўзи етарли бўлади.

Шахсий ривожланиш ҳам ақлий ривожланишчалик зарурдир. Бола мактабга нима учун келганини тушуниб етадимми, унда ўқишга бўлган иштиёқ мавжудми? Бола шахсий ривожининг энг муҳим жиҳати унинг мотивацияси, яъни ўз хатти-ҳаракатларини асослай олишидир. Бола ўқишни истайдими, йўқми, янги нарсаларни ўрганиш у учун қизиқми, ёки зерикарлими, мактабга нима учун бораётганини англаб етадимми ёки мактабни дўстлари билан вақт ўтказиш учун бориладиган жой сифатида кўрадими.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, болаларнинг кўпчилиги мактабга психологик жиҳатдан тайёр эмаслар. Тасодифни қаранг-ки, педагогик жиҳатдан тайёрланган боланинг психологик тайёргарлиги ортда қоларкан. Бунга сабаб нима? Ҳали мактабга чиқмай туриб, болага ўқиш, ҳисоблаш, кўп холларда ҳатто ёзишни ҳам ўргатилади. Боғчаларда бу нарсаларга болани тахминан 5 ёшлардан бошлаб ўргатилади. Лекин бу ёшда бола ҳали бундай машғулотларга тайёр эмас. У ҳали ўйин ўйнагиси келади. Айнан ўйин пайтида болада зийраклик, хотира, диққат ривожланади. Замонавий мактабгача таълим системаси ўйин ўрнини ўқитиш билан алмаштиради. Бунинг оқибатида бир томондан ақлий ривожланиш оқсаса, ундан ҳам кўпроқ миқдорда шахсий ривожланиш ортда қолмоқда. Ҳозирги биринчи синф ўқувчилари психологик ёши жиҳатидан ҳали “мактаб олди даври”□ болаларидир, шундай экан, уларнинг қизиқишлари ҳам ёшига яраша бўлади. Улар учун ўйин ўйнаш ўқишга қараганда қизиқарлироқ. Айнан шунинг учун бугунги кунда улкан муаммо вужудга келмоқда — болаларнинг ўрнига уларнинг ота-оналари ўқимоқдалар. Ўқишнинг биринчи кунларидан бошлаб ота-она биринчи синф боласи билан биргаликда уй вазифаларини бажармоқда. Биринчи синфга чиққан болага боғча ёки тайёрлов гуруҳида ўрганганлари яна ўқитила бошлайди. Мактабгача яхши ўзлаштирмаган тақдирида ҳам бола бу нарсаларни биламан, деб ўйлайди. Бунинг оқибатида бола дарс вақтида ўқитувчига керакли миқдорда эътибор қаратмайди. Кейинчалик янги материал берила бошлаганда эса, одатига кўра яхши қулоқ солмайди. "Керак", "мажбур"□ деган тушунчаларни англаши учун бола уларга тайёр бўлиши лозим. Акс холда, мажбурият талаб қилинганда, ўқувчи бу нарсаларни катталарнинг унга бўлган ёмон муомаласи деб қабул қилади. Оқибатда эса мактабдан кўнгли совий боради.

Биринчи синф ўқувчисини дарс қилишга қандай қизиқтирса бўлади? Вақтни хаддан зиёд чўзмаслиги учун, болага сарфлаган вақтини кузатишни ўргатинг. Бунинг учун унинг ёнига қум-соат кўйинг ва дейлик, "А"□ ҳарфини бир қатор ёзиш учун 3 минут вақт сарф қилиши кераклиги ҳақида келишинг. Агар вазифа келишилган вақтдан олдинроқ бажарилган бўлиб, устига устак ҳаммаси тўғри ёзилган бўлса, жуда яхши. Вазифа бажарилаётганда хонадан чиқиб турсангиз ҳам фойдадан холи бўлмайди. Болани албатта вазифани вақтида бажаргани ва қаторни чиройли тўлдиргани учун мактаб кўйинг. Аммо ҳарфлар нотекис, хунук ёзилган бўлса, бошқаттан ёзишни сўранг. Шу билан бирга талабингизни эртақ билан бойитинг: ҳарфлар йиқилиб ётса, бели оғриб қолади, касал бўлади, шунинг учун уларга ёрдам беришинг керак. Бола вазифани келишилган вақтда бажара олмаган тақдирда, уни ҳечам койиманг. Бажарган иши учун

уни мактаб кўйиб, хали шунга ўхшаш вазифаларни бундан ҳам оз вақт ичида бажаришига ишончингиз комиллигини билдиринг. Ота-оналар фарзандини ўзлаштиришдаги қийинчиликларини деб урушишса, бу билан боладаги ўқишга бўлган иштиёқни сўндириб мактабга бўлган салбий фикрни кучайтиришади. Шу ўринда ота-оналарга қуйидаги тавсияларни берган бўлардим: фарзандингиз билан бирга ўтириб дарс қилманг. Бола ёрдамнингизга кўникиб қолади ва сизсиз дарс қилмайдиган бўлади.

Болалар катта бўлишни жуда исташади. Катталар эса ўз мажбуриятларига эгалар. Мактаб иш сингаридир. Ўз мисолингизда сизга ажратилган ишни фақат ўзингиз бажаришингиз, ишингизни сиз учун ҳеч ким қилиб бермаслигини тушунтиринг. Шундай экан, болангиз ўқувчи бўлдим, ўзи ўқиши кераклигини уқтиринг. Дарс бажаришни эрмакка айланторманг. Ҳар бир бажарилган вазифа учун болани совға билан рағбатланторманг. Шу билан бирга, чорак ёки йил охирида ўқишни муваффақиятли битиргани учун мукофотлаш зарар қиламайди. Бола бажарган ишини ўзи баҳолашни ўргансин. "А" □ ҳарфини ёзиб чиқдим, у билан биргаликда бажарган ишини таҳлил қилинг: нималарни яхши бажардию, нималар қўлидан келмади. Кейинги сафар бундан ҳам яхши бажаришига ишончингизни кўрсатинг. "Ҳеч нарсага ярамайсан, ақлинг шунга ҳам етмайдими, қўлинг қийшиқми", каби сўзлар билан боланинг шахсиятига тегманг. Таҳлил фақатгина бажарилган вазифага тегишли бўлиши лозим. Таълимга психологик тайёрлик деганда боланинг объектив ва субъектив жиҳатдан мактаб талабига муносиблиги назарда тутилади. У аввал психологик жиҳатдан тайёрланади, психикаси билим олишга етарли даражада ривожланади. Шундай талаблар асосида тайёрланган бола мактабга мослашув жараёнида муаммога дуч келмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси».
2. Давлетшин М.Г ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Т-2004 йил.
3. Нишонова З.Т, Г.Алимова. Болалар психологияси ва уни оқитиш методикаси. Тошкент-2003 йил
4. Шербаков А. И. Ёш психологияси ва педагогика психологиядан практикum. Тошкент, 1991йил.
5. Нишонова З. Т. Психологик хизмат. Маърузалар матни. Т, 2000 йил Основные термины (генерируются автоматически): педагогика, бола, педагог, Психологик.
6. Оила педагогикаси - Т.: «Алоқачи» - 2007-й
7. Каримова, Д. Н. Мактаб ёшидаги болаларнинг маънавий шаклланишида ижтимоий педагогикнинг таъсири / Д. Н. Каримова, Ю. К. Базарбаева, Ш. Э. Худайбердиев.
8. Махаматова, Ф. (2020). Соғлом оилавий муҳитни ҳимоя қилишнинг қонуний асослари. *Архив Научных Публикаций ЖСПИ*.
9. Махаматова, Ф. (2020). Таълим-тарбия самарадорлигини оширишда ота-она ибрат намунаси. *Архив Научных Публикаций ЖСПИ*.